

Татаристонда аёллар ўртасида «Бутунроссия Қуръон мусобақаси» ўтказилади



10:00 / 28.04.2021 2072

2021 йил 29 май куни Ютазин тумани Уруссу қишлоғида аёллар ўртасида «Бутунроссия Қуръон мусобақаси» бўлиб ўтади. Мусобақа икки босқичда: 3 (28, 29, 30) пораларни ёддан ва 5 (26, 27, 28, 29, 30) пораларни ёддан айтиб бериши керак. Бундан ташқари, иштирокчилардан ҳарфларнинг маҳражидан чиқариши ва тажвид қоидаларига амал қилиб, Қуръонни чиройли тараннум билан ўқиши талаб қилинади.

Танловда ёшидан қатъи назар, Россия фуқароси бўлган мусулмон аёллар иштирок этишлари мумкин. Танлов талабларига биноан иштирокчи Қуръон ёдлаш марказлари талабалари бўлмаслиги керак. Ҳар бир иштирокчи фақат бир йўналишда қатнашиши мумкин.

«Бутунроссия Қуръон мусобақаси» Татаристон Республикаси Муслмонлари идораси, Татаристон Республикаси Жануби-Шарқий диний идораси, Ютазин тумани мухтасиби ва идора маъмурияти томонидан ташкил этилади.

Татаристон Республикаси Муслмонлари диний идораси матбуот хизмати хабарига кўра, аризалар 2021 йил 5 майгача қабул қилинади.

Қуръони Каримни 5 (26,27,28,29,30) пораларини ёддан ўқиб берган танлов ғолибига 50 минг рубль миқдоридан пул мукофоти берилади. Иккинчи йўналиш ғолиби учун Ютазин мухтасиби томонидан махсус соврин топширилади ва қолган иштирокчилар ҳам рағбатлантирувчи эсдалик совғалар билан тақдирланишлари кўзда тутилмоқда.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи